

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман суди, Қуйичирчиқ туман “Боғистон” м.ф.й. биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ж.Кулдашев,

судья ёрдамчиси А.Тилавовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қуйичирчиқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Бабаев, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси Ш.Тайлаковнинг иштирокида, XXга оид

1-1108-2401/214-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX

/XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX/ - 11.12.1972 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туман, Боғистон МФЙ, Хушнот кўчаси, 51-уйда яшайди, иши бўйича “муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 23 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, 2024 йил 04 июль куни соат 22:30 да, Қуйичирчиқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида ўз яшаш хонадони бўлган Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнот кўчаси, 51-уйда фоҳишахона ташкил этиб, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Чақмоқ маҳалласи, Чақмоқ шоҳ кўчаси 25-уйда яшовчи 25.01.1995 йилда туғилган фуқаро XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан биргаликда келган Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Ойдинобод маҳалласи, Ёшлик кўчаси, 2-уй, 15-хонадонда яшовчи 21.02.1983 йилда туғилган фуқаро XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жинсий алоқа қилишлари учун уйдан алоҳида жой ажратиб, уларга шарт-шароит яратиб бериб, эвазига XXXXXXXXXXXXXXXдан 300.000 (уч юз минг) сўм миқдорида пул олганлиги аниқланиб, мазкур 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пуллар XXXXXXXXXXXXXXXдан далилий ашё



сифатида холислар иштирокида тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб олинган.

Судланувчи **XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX** суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2008 йилнинг тахминан ёз ойларида у Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнут кўчасида жойлашган 51-уйни 5.000 (беш минг) АҚШ доллари миқдоридagi пулларга сотиб олганлигини, шундан кейин мазкур яшаш хонадонда оиласи яъни турмуш ўртоғи **XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX** ва фарзандлари **XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX**, **XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX** ва **XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX**лар билан тахминан 2009 йилга қадар истиқомат қилганлигини, сабаби уларнинг иш жойи Тошкент шаҳри ҳудудида бўлганлиги учун у юқорида номлари қайд этилган оила аъзолари билан биргаликда Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Изза маҳалласида жойлашган яшаш хонадонда вақтинчалик истиқомат қилиб келганлигини, шу орада у Тошкент шаҳридаги иш жойидан бўшаганлиги сабабли, тахминан 2022 йилнинг ноябрь ойларида у Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган автомашиналарни ювиш шаҳобчасида иш юритишни бошлаганлигини ва Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнут кўчаси, 51-уйда истиқомат қилишни бошлаганлигини, ора-сира эса оила аъзоларини кўриш учун Тошкент шаҳридаги яшаш хонадонга бориб туришлигини, шу билан 2024 йил 04 июль куни соат тахминан 21:00 ларда у юқорида қайд этилган Қуйичирчиқ тумани Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган автомашиналарни ювиш шаҳобчасида бўлган вақтида ўзига тегишли бўлган телефон апаратининг +99897-000-67-79 абонент рақамига унга номаълум бўлган кейинчалик ўзини Тошкент вилояти Оққўрғон туманида истиқомат қилувчи **XXXXXXXXXXXX** исми билан ўзини таништирган шахс ундан ёрдам беришликни сўраганлигини, шундан кейин у унга қандай кўринишдаги ёрдам беришликни сўраган вақтида **XXXXXXXXXXXX** исмли шахс унга таниш қизи билан дам олиш мақсадида жой излаётганлигини ва унга тегишли яшаш хонадонда жой мавжуд бўлса тахминан 1 (бир) соат муддатга ижарага бериб туришлиги тариқасидаги илтимос қилинганлигини, шу вақтда у моддий томонлама қийин аҳволда бўлганлиги сабабли **XXXXXXXXXXXX** исмли шахсдан ушбу уй-жойни ижарага бериш эвазига қанча миқдордаги пул маблағларини беришлигини сўраганлигини ва у унга ушбу хизмат эвазига умумий миқдорда 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни тақдим қилишлигини айтганлигини, шунда у унинг ушбу таклифига рози бўлиб, унга яшаш хонадони бўлган Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнут кўчаси, 51-уйда мавжуд шароитлар яъни телевизор мавжуд бўлган хона, ётоқхона, ҳамом ва шу каби шароитлар мавжудлиги ҳақда маълум қилганлигини, шундан кейин **XXXXXXXXXXXX** исмли шахс ундан яшаш хонадони қаерда жойлашганлиги ва у ерга соат нечида келишликни сўраганида, у унга яшаш хонадони Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнут кўчасида жойлашган 51-уй эканлигини

Хужжат имзоланган: Кулдашев Жаҳонгир Абдуганиевич, 21.10.2024



ҳамда у ерга соат тахминан 22:00 ларда келишлигини айтганлигини, шу билан у юқорида қайд этилган Қуйичирчиқ тумани Дўстлик маҳалласи ҳудудидаги автомашиналарни ювиш шаҳобчасидан чиқиб, юқорида манзили қайд этилган яшаш хонадони бўлган Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнот кўчасига қайтганлигини, шундан кейин Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнот кўчасининг бош томонига келган вақтида у XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахснинг телефон рақамига ўзига тегишли бўлган телефон рақами орқали қўнғироқ қилиб, унинг қаердалигини сўраган вақтида XXXXXXXXXXXXXXXX у айтган манзилга яқинлашиб келиб қолганлигини айтганлигини, шундан кейин у XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс ва унинг таништирганлигига кўра “XXXXXXXXXXXXXXXX” исмли сариқ сочли бош қисмида “кепка” бўлган ёши тахминан 30-35 ёшларда бўлган аёл жинсдаги шахс мавжудлигини кўрганлигини, шундан кейин у уларни юқорида манзили қайд этилган яшаш хонадони бўлган Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнот кўчаси, 51-уйга йўл бошлаганлигини ва уларни мазкур яшаш хонадонининг меҳмонхонасига олиб кириб, улар билан бироз вақт турли хил мавзуларда суҳбатлашиб, ўзи билан олиб келган спиртли ичимликларни истеъмол қилганлигини, шу билан соат тахминан 23:00 ларда у XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахсга яшаш хонадонининг ётоқхонаси ва ҳамомни кўрсатиб таништирганлигини ва XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс унга уй-жой билан таъминлаб бериш хизмати эвазига 3 (уч) дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюралардан иборат бўлган умумий 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни тақдим қилганлигини, шундан кейин XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс билан яшаш хонадонининг ётоқхонасига кириб кетишганлигини, у эса мазкур яшаш хонадонининг меҳмонхонасида овқатланиб ўтирганлигини, шу билан соат тахминан 23:20 ларда унинг яшаш хонадони бўлган Қуйичирчиқ тумани, Боғистон маҳалласи, Хушнот кўчаси, 51-уйнинг кириш дарвозаси тақиллаганлигини ва у ким келганлигини билиш мақсадида яшаш хонадонининг кириш дарвозасини очган вақтида у ерда унга 4 (тўрт) нафар нотаниш шахслар турганлигини ва улардан 2 (икки) нафар шахс унга ўзининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб ҳамда ўзларини Қуйичирчиқ туман ИИБ ЖҚБ ходимлари эканликларини айтиб, қолган 2 (икки) нафар шахсни холислар сифатида таништириб, яшаш хонадониде ким борлигини сўрашганлигини, у уларга яшаш хонадониде танишлари мавжудлигини айтганлигини, шундан кейин улар унга яшаш хонадонини кўздан кечиришларини айтганларида у уларга қаршилиқ қилмасдан уларни яшаш хонадонига олиб кирганлигини, шундан кейин ИИБ ЖҚБ ходимлари 2 (икки) нафар холислар иштирокида яшаш хонадони ётоқхонасига кириб борган вақтида, у ерда XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс билан XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахслар жинсий алоқа билан шуғулланаётганлигига шохид бўлишганлигини, шундан кейин ИИБ ЖҚБ ходимлари холислар иштирокида ушбу XXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахсдан ушбу яшаш



хонадонда нима қилаётганлигини ва қандай мақсадда келганлигини сўраган вақтида, XXXXXXXXXXXXX исмли шахс у томондан 300.000 (уч юз минг) сўм пуллар эвазига жинсий алоқа билан шуғулланиш учун келганлигини айтганлигини, шундан кейин ИИБ ЖҚБ ходимлари ундан XXXXXXXXXXXXX исмли шахсни тушунтиришига изоҳ сўраганларида у XXXXXXXXXXXXXнинг тушунтиришларини тасдиқлаганлигини ва ИИБ ЖҚБ ходимлари ундан XXXXXXXXXXXXX исмли шахснинг кўрсатмаларида қайд қилинган мазкур пулларни тақдим қилишлигини сўраган вақтида у уларга XXXXXXXXXXXXX исмли шахс томонидан унга яшаш хонадонда жинсий алоқа қилиш учун яратилиб берилган шароит эвазига тақдим қилинган 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни шимининг ўнг чўнтагидан 3 (уч) дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюралардан иборат бўлган умумий 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни холислар иштирокида олиб, ИИБ ЖҚБ ходимларига тақдим қилганлигини, мазкур пулларни ИИБ ЖҚБ ходимлари холислар иштирокида видео тасвирга тушурган ҳолда ундан олиб, расмийлаштириб, пулларни ашёвий далил сифатида конвертга қадоқлашганлигини, шу билан у ва ушбу ишда иштирок этган холисларда мазкур ҳолат юзасидан ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан тушунтиришлар олинганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолатлар такрорланмаслигини маълум қилиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX суд мажлисида, у 2024 йил 04 июль куни Қуйичирчиқ тумани Боғистон маҳалласи худудида ўз ишлари билан кетаётган вақтида ИИБ ЖҚБ ходимлари уни тўхтатиб тезкор тадбирда холис тариқасида иштирок этишни сўрашганлигини, шу вақтда у уларнинг ушбу таклифига рози бўлганлигини, шундан кейин улар яна бир фуқарони тўхтатиб, унга ҳам у тариқа тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишни сўрашганда у ҳам ўз розилигини билдирганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлари уларга XXXXXXXXXXXXX исмли шахс томонидан Қуйичирчиқ туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, мазкур мурожаатида Қуйичирчиқ туман, Дўстлик М.Ф.Й, Хушнот кўчаси 51-уй истиқомат қилувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс томонидан моддий манфаат эвазига мазкур яшаш хонадонда фоҳишахона ташкил қилган ҳолда сақлаб келаётганлиги ҳақида хабар топганлиги ва унга нисбатан жамиятда ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида XXXXXXXXXXXXXга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрагани маълум бўлганлигини, сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан уларга тадбир ўтказилиши лозимлиги ва мазкур тадбирнинг шартлари тушунтирилиб ўтилганлигини, XXXXXXXXXXXXX исмли шахс ушбу тезкор-тадбир учун ўзининг ихтиёри билан 3 дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюралардаги жами 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни тақдим қилганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлари ушбу пулларни арнинг иштирокида қабул қилиб, унинг серия рақамларини баённома

асосида расмийлаштириб олишганлигини, XXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс Кабилова Шахноза билан тезкор-тадбирда иштирок этишини айтиб билдирганлигини, Кабилова Шахнозани Қуйичирчиқ туман ИИБ МТПга чақиртирганлигини ва унга ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан мазкур тадбирнинг мазмун-моҳияти тугшунтирилганлигини ҳамда унинг ушбу тезкор тадбирда иштирок этиш орқали ўзининг ёрдамани кўрсатишлиги сўралганда у ўзининг розилигини билдирганлигини, шундан сўнг XXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXнинг шахсий телефон рақамига кўнғироқ қилиб, ундан жинсий алоқа қилиш учун жой сўраганлигини, у XXXXXXXXXXXXXXXга ўзининг юқорида қайд этилган яшаш хонадонига соат 22:00 ларда келишлигини айтганлигини, XXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXдан ушбу хизмат эвазига қанча миқдордаги пулларни беришлигини сўраганида, XXXXXXXXXXXXXXX унга умумий миқдорда 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни беришлигини айтганлигини ва шу билан ИИБ ЖҚБнинг 2 (икки) нафар ходими ва тадбир иштирокчилари иштирокида юқорида қайд этилган XXXXXXXXXXXXXXXга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туман, Дўстлик М.Ф.Й, Хушнут кўчаси, 51-уйи жойлашган кўчасига бориб, у ерда XXXXXXXXXXXXXXX ва Кабилова Шахноза XXXXXXXXXXXXXXX билан учрашиб, унинг яшаш хонадонига кетишганлигини, шундан сўнг улар ИИБ ЖҚБ ходимлари билан Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туман, Дўстлик М.Ф.Й, Хушнут кўчаси, 51-уйнинг кириш эшигини тақиллатганида уларга кейинчалик билишича XXXXXXXXXXXXXXX исмли шахс кириш эшигини очганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлари ўзининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, унинг яшаш хонадонига ким мавжудлигини сўраган вақтларида, XXXXXXXXXXXXXXX уларга танишлари мавжудлигини айтганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлари XXXXXXXXXXXXXXXнинг яшаш хонадонига уларнинг иштирокида киришганлигини, яшаш хонадонининг ётоқхонасига кирган вақтида у ерда юқорида номлари қайд қилинган XXXXXXXXXXXXXXX ва Шахноза исмли шахслар жинсий алоқа қилаётганлиги аниқланганлигини, сўнг ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан XXXXXXXXXXXXXXX исмли шахсдан тушунтириш сўралганда у XXXXXXXXXXXXXXXнинг яшаш хонадонига 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пуллар эвазига жинсий алоқа билан шуғулланаётганлигини айтиб изоҳ берганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан XXXXXXXXXXXXXXXдан ушбу ҳолат юзасидан тушунтириш сўралганда у ҳақиқатан ҳам ушбу кўрсатмаларни тасдиқлаганлигини, ИИБ ЖҚБ ходимлар XXXXXXXXXXXXXXXдан уларнинг иштирокида мазкур 3 дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюралардаги жами 300.000 (уч юз минг) сўм миқдордаги пулларни олиб ва ашёвий далил сифатида қайд қилиб, расмийлаштиришди ва қадоқлашганлигини, шу билан ИИБ ЖҚБ ходимлари ушбу ҳолат бўйича у ва тадбирнинг қолган иштирокчиларидан тушунтириш олишганлигини, ходимлар томонидан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар бўлмаганини маълум қилди.



Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувлари, билдирги, далолатнома, ариза, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал, ашёвий далил қарори ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фоҳишахона ташкил этишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, (нинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир



ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи XXXXXXXXXXXXXга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларини инобатга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топади.



Шунингдек, дастлабки тергов органи томонидан ашёвий далил деб эътироф этилган 300.000 сўм пуллар эгаси XXXXXXXXXXXXXга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олишни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
/XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 /йигирма беш/ баравари миқдорида яъни, 8.500.000 /саккиз миллион беш юз минг/ сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

XXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Дастлабки тергов органи томонидан ашёвий далил деб эътироф этилган 300.000 сўм пуллар эгаси XXXXXXXXXXXXXга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддатда туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, 10 сутка ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ж.Кулдашев

Ҳужжат имзоланган: Кулдашев Жаҳонгир Абдуганиевич, 21.10.2024

